Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

gazeta@adolat.uz • www.adolat.uz • № 2 (861) • 2012 йил, 13 январь, жума

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2012 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар 2012 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг Котиби Б.Тошматов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 12 январь*



# Ватан ҳимояси — шарафли бурч

**14 январь — Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг 20 йиллиги**

Инсон маънавий оламининг кучи, қудрати унинг Ватан олдидаги бурчи ва масъулиятини қандай англаб етишида намоён бўлади. Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида маънавий жасорат туйғусига алоҳида тўхталиб ўтар экан, "Урганчни босқинчилардан ҳимоя қилишда байроқ тутиб жон берган Нажмиддин Кубронинг қаҳрамонлигида, дунёни тўфондек босган Чингизхон қўшинига қарши ўн бир йил муттасил мардона кураш олиб борган Жалолиддин Мангубердининг жанговар руҳида, юртимизни истилочилардан озод қилиб, буюк давлат барпо этган Амир Темур бобомизнинг бунёдкорлик салоҳиятида ҳам маънавий жасорат туйғуси буюк ва устувор аҳамият касб этгани, шубҳасиз", дея таъкидлайди.

Дарҳақиқат, Ватан тарихини, авваламбор, шижоат, жасорат, маърифату адолат, элу юртга садоқат безаб туради. Ўз ҳаёти давомида ана шундай фазилатларнинг энг юксак намуналарини бизга ибрат сифатида қолдирган аждодларимиз хотираси мангуликка дахлдордир.

Бугунги кунда давр талаби ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган Қуролли Кучларни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш ҳамда миллий армиямизни шакллантириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилиши замирида ҳам ана шундай олижаноб фазилатлар мужассам. Бу, пировард натижада, тинчлигимиз, мамлакатимиз мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Барчамизга аёнки, ҳар қандай давлат мустақиллиги унинг ўз армияси, Қуролли Кучлари томонидан ҳимоя қилиниши керак. Зотан, Юртбошимиз айтганидек, ўз истиқлоли ва озодлигининг қадрини билмайдиган, уни ҳимоя қилолмайдиган, бунга куч-қурби етмайдиган миллат ҳеч қачон эркин яшай олмайди, кимгадир итоат этишга, бўйин эгишга мажбур бўлади.

Давоми 3-бетда

# Зиммамиздаги масъулият ортди

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

Янги йилга ном бериш амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг жамиятнинг ҳар бир фуқаросига ҳуқуқий-демократик давлат қурилишида инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари —олий қадрият эканлигининг сўзда эмас, балки амалда ифодаланаётганлигини қалбдан ҳис қилиш имконини бермоқда. Шу маънода 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши юртимиздаги барча оилалар, улар бағрида камол топаётган фарзандларимиз учун катта эътибор йили бўлишидан дарак бермоқда. Бу яна бир бор инсон ва унинг манфаатлари устувор бўлган мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳоли фаровонлиги, тинчлик ва тотувлик, барқарорлик ва меҳр-мурувватга қаратилаётганидан далолатдир.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларни ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш "Адолат" СДП зиммасига улкан масъулият юклайди.

Тан олишимиз керак, айнан истиқлол йилларида юртимиз аёллари ҳақиқий эркинлик, жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, бунёдкорлик, Ватаннинг эртанги тақдири учун ёниб-куйиб яшаш қандай бўлишини англаб-тушуниб етдилар. Албатта, бу ўз-ўзидан амалга ошиб қолмади. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан мамлакатимизда бунинг учун етарли шарт-шароитлар, қулай ижтимоий муҳит яратилди, хотин-қизларнинг нафақат авлодлар давомчиси, балки улкан салоҳиятга эга келажак ворисларини тарбияловчи куч эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Давоми 2-бетда

# Давлат статистикаси қонунчилиги

давлат статистика органларининг хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини текшириш ваколати бекор бўлди

**(Янги рукн)**
**Бир қонун шарҳи**

Мамлакатимизнинг барча соҳаларидаги ривожланиш, ўсиш ва тараққиёт босқичлари давлат статистикаси маълумотлари орқали ёрқин ифодасини топмоқда. Буни кундалик матбуот саҳифаларида чоп этиладиган маълумотларда яққол кўришимиз мумкин. Мазкур соҳа ва унинг қонунчилик асослари ҳам изчиллик билан такомиллашиб бормоқда. Давлат статистикасининг мақсади ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил этиш, статистика ахборотини такомиллаштириш, иқтисодий таҳлилларни янада чуқурлаштириш ҳамда жаҳон андозаларига мос халқаро стандартлар асосида фаолият олиб боришдан иборатдир.

Давоми 2-бетда



# Ёш авлод камолоти

Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги "Ботаника" санаториясида мамлакатимизнинг энг истеъдодли, шижоатли ўғил-қизларини ўзида жамлаган "Камолот — келажак таянчи" қишки фаоллар тўгарагининг ўқув семинари бўлиб ўтди.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши, "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши, Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳамда Самарқанд давлат университети ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда самарқандлик профессор-ўқитувчилар ва талабалар ишчи гуруҳларига бўлинган ҳолда фаолият олиб бордилар.

Семинар иштирокчиларида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари, педагогика фанлари доктори, профессор М. Қуроновнинг "Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарининг ёшлар маънавий тарбиясидаги аҳамияти" мавзусидаги суҳбати катта таассурот қолдирди. Нотиқ ушбу асар яқин ўтмишимизнинг ишончли, ноёб ва таъсирчан манбаси сифатида бугунги ёш авлодни Ватанга муҳаббат, Истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда тенгсиз аҳамиятга эга эканлигини қайд этди.

Давоми 8-бетда

## Осуда ҳаётимиз кафолати

Конституциямизда қайд этилишича, "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади". Мана шу мезон асосида вужудга келган профессионал армиямиз сафларида бугун Ватанга садоқатли, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ўғлонлар хизмат қилмоқда. Улар доимо халқимиз ардоғида, давлатимиз эътиборидадир.



3-бет

## Ёш олимнинг изланишлари

қуёш энергиясидан фойдаланишга қаратилган

"Физика-қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти катта илмий ходими, техника фанлари номзоди Жобир Аҳадов томонидан мужассамлашган қуёш энергияси ёрдамида электр энергияси, иссиқлик энергияси ва водород ишлаб чиқарувчи қурилма бунёд этилди ва илмий натижалар асосида ҳозирда 5 кВт қувватли автоном қуёш қурилмаси яратилмоқда. Ёш олим илмий изланишларини айнан шу Катта Қуёш Сандонида олиб бормоқда.



4-бет

## "MAN" — автомобилсозликда сифат ва мукаммаллик белгиси

Юртимиздаги қулай сармоявий муҳит ва иқтисодиётнинг барқарор ривожи немис автомобилсозларини ўзаро манфаатли ҳамкорликка ундагани ва "JV MAN Auto Uzbekistan" қўшма корхонасининг тузилишига асос бўлганлиги алоҳида эътирофга лойиқдир.



8-бет

# Оммавий ахборот воситалари

## демократик қадриятларнинг ҳимоячиси сифатида

*Президентимизнинг “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги қарорини ўқиб*

**Муносабат**

Мустақиллик йилларида жамиятимизнинг кўзгусига айланган оммавий ахборот воситалари демократик талаблар асосида эркин фаолият юритиши учун кенг кўламлиислоҳотлар амалга оширилди, мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 67-моддасида оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги принципи конституциявий тарзда белгилаб қўйилди. “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Реклама тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинди.

Умуман олганда, истиқлол даврида оммавий ахборот воситаларининг ҳақиқатан ҳам замон, давр талабига мос бўлиши, амалдаги “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилишини таъминлашга қаратилган ўнга яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Муҳтарам Юртбошимиз эса мамлакатимиз етакчиси бўлган дастлабки кунларидан жамоатчилик фикрини шакллантириш, фуқароларнинг давлат ва жамиятга нисбатан муносабатларини холис ҳамда ҳаққоний акс эттириш, демократик қадриятларни изчил ҳимоя қилиш имкониятларига эга бўлган матбуотга доимий эътибор қаратиб келмоқда, бу соҳага алоҳида ғамхўрлик ҳам кўрсатмоқда.

Албатта бундай юксак даражадаги эътибор соҳа ходимларида катта масъулиятни пайдо этади. Зеро, демократик тамойиллар устувор давлатда ОАВ халқ дилидаги гапларнинг минбарига айланиши керак. Президентимиз биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида (1999 йил, 14 апрель) бу талабни алоҳида таъкидлаб ўтганди: “...оммавий ахборот воситалари ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишига имкон берадиган эркин минбар бўлиши керак. Айни шу оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик қадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиши, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим”.

Ёки бўлмаса 2002 йилнинг 3 июлида Президентимиз томонидан имзоланган, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари учун фавқулодда аҳамиятга эга бўлган “Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонни эслайлик.

ОАВга давлат раҳбарининг яна бир алоҳида эътибори эса Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида ўз ифодасини топди.

Яратилган қулай шарт-шароитлар туфайли кейинги етти-саккиз йил ичида босма оммавий ахборот воситалари сони қарийб икки баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса етти баробар кўпайди. Фаолият юритаётган телеканалларнинг ярмидан кўпроғи, радиоканалларнинг саксон фоиздан ошиқроғи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир. Демак, барча оммавий ахборот воситалари ўзаро соғлом рақобат муҳитида фаолият кўрсатмоқда дейиш учун асосларимиз етарли.

Шундай бир шароитда Президентимизнинг “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги Қарори эълон қилиниши биз журналистларни ниҳоятда хурсанд қилди, албатта. Айни пайтда бу Қарор “...оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш, ахборот соҳасини ривожлантиришда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамият назоратини ўрнатишда уларнинг ролини ошириш мақсадида” қабул қилинганлиги билан танишарканмиз, зиммамизга юкланган масъулият юки янада ошганини ҳис этдик. Албатта, яратилган имтиёзлар туфайли биз иқтисодий жиҳатдан янада мустақил бўламиз. Ҳисоб-китобларимизга кўра, биргина бизнинг ижтимоий-сиёсий газетамиз йил давомида йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалардан озод қилинганимиз эвазига бир неча ўн миллион сўм иқтисод қиларкан. Бу катта миқдордаги маблағ. Демак, биз бу маблағдан самарали фойдаланишимиз, яъни фуқароларимизни тезкор ҳамда холис ахборот ва маълумотлар билан сифатли таъминлашга, ходимларимиз янгича талабларга мос равишда фаолият юритишига, моддий-техника базамизни янада мустаҳкамлашга сарфлашимиз зарур бўлади.

Албатта, бундай чора-тадбирлар бошқа таҳририятлар, нашриёт ва босмахоналарда ҳам кўрилади. Бу эса қисқа муддат ичида иқтисодий аҳволи янада яхшиланган матбуотимиз сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарила олади деганидир. Табиийки, бу ҳол ўқувчиларимиз сони ўсишига олиб келади. Бу эса бизнинг энг катта ютуғимиз бўлади. Зеро, тезкор нашр бўлмиш газетани мутолаа қилаётган ўқувчимиз — ахборот оқимидан ўз вақтида бохабар бўлаётган фуқародир. Ахборотдан воқиф одам эса маънавияти мустаҳкам, ҳар хил нохолис мафкуравий хуружларга нисбатан кучли иммунитетга эга юртдошимиздир. Бундай фуқаро қалбида, онг-шуурида ҳеч қачон бўшлиқ, вакуум пайдо бўлмайди.

Президентимизнинг оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада кучайтириш учун хизмат қиладиган, зиммамиздаги вазифаларни сидқидилдан адо этишда катта кўмак берадиган мазкур Қарори бизга мана шу жиҳатлари билан ҳам янада қадрли ва ўта муҳим бўлиб кўринди.

**А.ЙЎЛДОШЕВ.**



# Зиммамиздаги масъулият ортди

Давоми. Боши 1-бетда

Биргина йилларнинг номланишига зеҳн солиб қарасангиз, улардаги ички боғланиш, ўзаро бир-бирини тўлдириб келиш ҳам айнан аёллар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилганини кўрасиз: 1998 йил мамлакатимизда “Оила йили” деб эълон қилинди, 1999 йил “Аёллар йили” деб аталган бўлса, кейинги 2000 йил “Соғлом авлод йили” шиори остида ўтди. Янги XXI асрнинг биринчи йили “Оналар ва болалар йили” деб аталди.

Албатта, бундай эътиборнинг чуқур тарихий илдизлари ҳам бор. Зеро, кўҳна юртимизда қадимдан оила алоҳида аҳамиятга эга таълим-тарбия маскани ҳисобланиб келинган. Айни пайтда оилада, айниқса, онанинг ўрни ўзгача муҳим аҳамиятга эга бўлган. Чунончи, халқимизнинг “Жаннат оналар оёғи остидадир”, “Аввало онангга, онангга ва яна онангга, шундан сўнггина отангга яхшилик қилгин” сингари ҳикматларида аёлга муносабатнинг энг юксак шарқона кўринишлари акс этган.

2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” дея аталиши биз аёлларга давлат миқёсида кўрсатилаётган юксак эътиборнинг, иззатнинг янада ортганини намоён этиб турибди. Ҳурматли Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида келаётган йилнинг шундай номланиши борасида тўхталаркан, ҳаётимизда, кундалик турмушимизда жуда муҳим бўлган бир нечта муҳим масалани қайд этиш асносида алоҳида таъкидлаб ўтдики: “Шундай масалаларни ҳал этиш ҳар қайси оиланинг юкини ҳеч нолимасдан, ҳаётга шукрона қилиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотининг, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш билан баробар эканини эсимиздан чиқармаслигимиз керак”.

Юртбошимизнинг бу гапларини қувониб-ҳаяжонланиб тингларканман, биз аёллар зиммамиздаги масъулият янада ортганини ҳам сезиб-билиб турдим. Зеро, оиланинг мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан аёлга, онага боғлиқ.

Мен мазкур масаланинг фақат икки жиҳатига эътиборингизни жалб қилсам дегандим. Ҳаммамизга маълум, яқиндагина пойтахтимизда бунёд этилган муҳташам “Маърифат маркази” мажмуидаги Симпозиумлар саройида “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзуида халқаро симпозиум ўтказилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Бош директори Маргарет Чен мазкур анжумандаги нутқида бутун дунёга хос бўлган бир муаммони алоҳида таъкидлаб ўтди: “Таркибида шакар, туз ва ёғ кўп, аммо муҳим тўйимли моддалар миқдори кам бўлган қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотлари дунёнинг деярли ҳар бир мамлакатида янги озиқ-овқат маҳсулотига айланди. Бундай маҳсулотлар нисбатан арзон ва қоринни тўйдириш учун қулай бўлса-да, юқмайдиган сурункали касалликларнинг кескин кўпайишига олиб келади”.

Чиндан ҳам, мутахассислар кейинги йилларда дунё бўйича, айниқса, ёшлар, болалар орасида нотўғри овқатланиш туфайли орттирилган касалликлар сони тобора кўпайиб бораётганини ташвиш билан айтишмоқда. Бунга асосий сабаблардан бири сифатида эса тезкор ҳаётимизга кириб келган ошиғич овқатланиш тизими, хусусан, фаст-фудлар ва чипслар кўрсатилмоқда. Бундай маҳсулотлар истеъмолчи соғлиғи учун катта хавф эканлигини олимлар кейинги йигирма йил ичида чипслардаги туз миқдори икки баробар ошганлиги билан ҳам исботлашмоқда. Зеро, ортиқча туз суяклар ривожланишига халал беради, қон босимини кўтаради, юрак хасталикларини пайдо қилади. Рангли газли сувлар таркибига қўшиладиган кимёвий бўёқлар болаларнинг руҳиятига кескин салбий таъсир кўрсатиб, уларни жаҳлдор, инжиқ, кўрс, асабий, ҳаттоки йиғлоқи қилиб қўяркан.

Бобомиз Ибн Сино “Агар ҳавода чанг ва ғубор бўлмаганида эди, инсон минг йил яшаган бўларди”, дея башорат қилганди. Мутахассислар эса бугунги кунда ҳавода чанг ва ғубор, озиқ-овқатларимизда, ичимликларимизда кимёвий унсурлар, консервантлар бўлмаганида эди, инсон бемалол 800 йил, ҳаттоки ундан ҳам кўпроқ умр кўриши мумкинлигини айтишмоқда.

Демак фарзандларимизни, ука-сингилларимизни бундай маҳсулотлардан тийилишга ундаш энг аввало, биз аёлларнинг вазифамиз. Ахир мустаҳкам оила соғлом оила ҳам демакдир.

Иккинчи масала. “Ёшлар” телеканали орқали қўл телефонларининг зарарига бағишланган махсус кўрсатув қайта-қайта намойиш этилмоқда. Афсуски, бугунги ёшларимиз орасида бундай телефонларга ҳаддан ортиқ ружу қўйганлар ҳам учрамоқда. Ҳолбуки олимлар аллақачон меъёридан ортиқ фойдаланилганда симсиз телефонлар бош оғриғи билан бир қаторда юрак касалликларини, уйқусизликни, саратон хасталигини келтириб чиқариши мумкинлигини исботлашган. Шифокорлар эса бундай радиотўлқинлар инсон мияси фаолиятига салбий таъсир кўрсатишидан хавотирда эканлигини билдиришган.

Ҳаммамизга яхши маълум, касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган маъқул. Ўйлайманки, биз аёллар оила мустаҳкамлиги учун қўлимиздан келган саъй-ҳаракатларни қилар эканмиз, юқорида тилга олинган икки масалага ҳам эътибор қаратишимиз лозим бўлади. Кимларгадир булар жуда кичик муаммолар бўлиб кўринар. Аммо оила соғлиғи, мустаҳкамлиги масаласида кичик муаммонинг ўзи бўлмайди, аксинча, ҳаммаси муҳим. Менинг назаримда, Мустаҳкам оила йили учун махсус ишлаб чиқилиб, қабул қилинадиган дастурда кенг қамровли, кўламли масалалар билан бир қаторда ёшларнинг овқатланиш маданиятини оширишда ва қўл телефонларидан меъёрида фойдаланишларини таъминлашда оиланинг, айниқса, аёлларнинг масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

**Зумрад АКРАМХЎЖАЕВА,**
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати.

# Давлат статистикаси қонунчилиги

## давлат статистика органларининг хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини текшириш ваколати бекор бўлди

Давоми. Боши 1-бетда

2002 йил 12 декабрда қабул қилинган “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати тўғрисидаги статистика маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, тарқатиш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солди ва давлат статистикасини ташкил этиш тартибини белгилади. Ушбу Қонун жаҳон амалиётида қабул қилинган халқаро стандартлар ва тамойиллар асосида Ўзбекистон Республикасида давлат статистикасини ташкил этишдаги ёндашувларнинг яхлитлигини таъминлаган бўлса-да, ўтган давр мобайнида иқтисодиётни янада либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳамда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг кенг ривожланиши мазкур қонуннинг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни талаб этди.

Халқаро статистика тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар сонининг сезиларли даражада ўсиши, хусусан, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиб бориши натижасида улардан статистика ҳисоботларини йиғиш, жисмоний шахсларнинг, якка тартибдаги тадбиркорларнинг танланма кузатувларини ўтказишда замонавий статистика кузатуви усуллари ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг кўламда фойдаланишни тақозо этмоқда.

Ўтган йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни янада либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари кенг ривожланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Давлат статистика органлари тизимининг дастурий-техникавий таъминоти ва кадрларининг профессионал малакаси даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги Қарори давлат статистика органлари тизими фаолиятига илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда дастуриламал бўлди. Замонавий дастурий-техникавий воситалар, компьютер ҳамда коммуникация ускуналари статистика маълумотларини тўплаш тизимини такомиллаштиришда қўл келди.

Шулар инобатга олинган ҳолда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси асосида ишлаб чиқилган ва 2012 йилнинг 4 январидан бошлаб кучга кирган “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун билан давлат статистикаси ваколатли органининг ваколатлари янада аниқлаштирилиб, давлат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, ягона статистика услубиятини ва давлат статистика кузатувларининг шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишда ҳамда статистика кўрсаткичларининг тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини таъминлашда, шунингдек, статистика ахборотидан фойдаланиш эркинлиги ва очиқлигини кенгайтиришда янада самарали тизим яратилишига кенг имкон яратади.

Қонунга киритилган яна бир муҳим янгилик бу статистик кузатувлар доирасида статистика органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини қисқартиришга қаратилган бўлиб, у статистика тизими фаолияти самарадорлигининг янада ошишига ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг, жумладан, кичик корхона ва микрофирмаларнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашувларни тубдан қисқартириш, улар фаолиятига асоссиз аралашувларни бартараф этишга хизмат қилади.

Эътироф этиш керакки, бугунги замонавий халқаро статистика амалиётида статистика маълумотларини йиғишнинг прогрессив усулларини жорий этиш усули кенгаймоқда. Бунда статистика ҳисоботини тақдим этувчи хўжалик юритувчи субъектлар статистика органларига статистика ҳисоботини электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда Интернет тармоғи орқали электрон кўринишда тақдим этадилар. Жумладан, республикамизда ҳам эндиликда 22 турдаги давлат статистика ҳисоботлари шаклларини электрон имзодан фойдаланган ҳолда электрон кўринишда қабул қилиш тартиби йўлга қўйилди. Шу муносабат билан Қонунга киритилган ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишга қаратилган нормалар қўшимча статистика маълумотларини электрон шаклда йиғишнинг илғор усулларини жорий этиш ва статистика маълумотларини тайёрлаш тезкорлигини ҳамда сифатини оширишга кенг имкон яратади. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг статистика органларига статистика маълумотлари ҳамда ҳисоботларини тақдим этиш механизмини такомиллаштиради ва уларга қулай шарт-шароитлар яратади.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши давлат статистикаси ваколатли органининг мутлоқ ваколатларини белгилаб, амалдаги қонуннинг айрим моддалари ва нормалари ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш имконини берди, давлат статистика органларининг хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини текшириш ваколатини бекор қилди, статистика тизими фаолиятининг самарадорлигини, статистика ахборотларининг тезкорлиги ва сифатини янада оширишга қаратилган



**Мавлуда НИШОНОВА,**
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси.

статистика ҳисоботларини топшириш механизмини такомиллаштирди. Қонун билан киритилаётган янгиликлар статистика кузатувларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатларни тежашга имконият яратибгина қолмай, статистика ҳисоботларини тўлдиришга кетадиган вақт ва меҳнат сарфларининг ҳам қисқаришига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, Қонун давлат статистика тизими фаолиятининг самарадорлигини, статистика маълумотларининг тезкорлиги ва сифатини янада ошириш учун хизмат қилади.



# Ватан ҳимояси — шарафли бурч

Давоми. Боши 1-бетда

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида юртимизда давр талаби ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган Қуролли Кучларни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кенг кўламли ва моҳиятан улкан ишлар рўёбга чиқарилди.

Аввало, ҳарбий соҳа ислоҳотлари билан боғлиқ стратегик мақсадларга эришишнинг муҳим ҳуқуқий пойдевори бунёд этилди. Конституциямизнинг 52-моддасида Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи эканлиги белгилаб қўйилди. Унда Қуролли Кучларимиз Ўзбекистон суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, республикамиз аҳолисининг осуда ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилиши мустаҳкамланди.

Шулардан келиб чиқиб ҳамда минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазият, замонавий талаблар ва мамлакат хавфсизлигига таҳдидларни чуқур таҳлил қилиш асосида тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминловчи муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида", "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида", "Терроризмга қарши кураш тўғрисида", "Мудофаа тўғрисида", "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги каби қатор Қонунлар шулар жумласидандир. Шу билан бирга, Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари билан ҳарбий хизматчиларнинг давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилиниши кафолатлаб қўйилди.

Айни чоғда Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурга мувофиқ, ҳозирги давр талабларига мос миллий армиямиз шакллантирилди, бошқаришнинг сифат жиҳатдан мутлақо янги тизимига ўтилди. Қисқа вақт ичида ҳарбий округлар, чегара ҳудудлари ва махсус операцияларга ихтисослаштирилган қисмлар тузилди. Бунда, аввало, халқаро терроризм, экстремизм, наркоагрессия, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши каби таҳдид ва хатарлар ҳисобга олинди.

Қуролли Кучларимизда асосий жанговар бўлинмаларнинг принципиал жиҳатдан мутлақо янги ташкилий-таркибий тузилмаси жорий этилди ва бир-бирини такрорлайдиган, кам самарали бўғинлари тугатилди. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ҳаракатчанлиги, тезкорлиги ва жанговар қобилиятини оширишга замин яратди.

Шу ўринда мамлакатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Сабаби, мазкур ҳужжатга мувофиқ, миллий армиямиз тайёргарлиги ҳар томонлама такомиллаштирилиб, жумладан, муддатли ҳарбий хизматга чақирувни йилига бир марта — февраль-март ойларида ташкил этиш йўлга қўйилди.

Пировардида армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳит бутунлай соғломлашди, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув ҳамда қарашлар тамомила ўзгарди. Бунга уйғун тарзда ҳарбий хизматдан мустаҳкам ҳаётий қарашларга эга бўлиб қайтган ўғлонларимиз жамиятда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этишга ҳар томонлама тайёр эканлигини намоён этмоқда. Чунончи, ўқиш ва ишга киришда қатор имтиёзга эга бўлган аскарлар тенгдошларига ўрнак бўлмоқдалар. Бинобарин, ҳар бир йигит қалбида Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишдек муқаддас бурчга бўлган ҳурмат бениҳоя юксалди.

Бундан ташқари, Президентимиз фармонларига биноан, мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, чегараларимиз дахлсизлиги ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун ҳар йили кўплаб ҳарбий хизматчилар давлатимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланмоқда.

Шу билан бирга, минтақамиз ва бутун жаҳондаги мураккаб, тез ўзгараётган ҳарбий-сиёсий вазият, биринчи навбатда, Афғонистондаги тобора кескинлашиб бораётган аҳвол билан боғлиқ тарзда хавфсизликка қарши реал ва эҳтимол тутилаётган хавф-хатарларнинг кучайиб, наркоагрессия, халқаро терроризм, экстремизм ва бошқа таҳдидларнинг миқёси кенгайиб бораётгани Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий тайёргарлиги ва жанговар қобилиятини муттасил ошириш, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, унинг давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш борасидаги чораларни янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 19 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида миллий мудофаа тизимида қўлга киритилган натижалар билан бирга, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган, олти йўналишдан иборат муҳим стратегик вазифаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Унга кўра, минтақамиздаги замонавий таҳдидлар ва хавфсизликка қарши қаратилган хатарларни тизимли ва чуқур таҳлил қилиш ҳамда юз бериш эҳтимоли бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрини кузатиб бориш; барча қўшин турларини бошқариш ва ўзаро узвий мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини янада ошириш, қисм ва бўлинмаларнинг аниқ ва бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишига эришиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлаш; барча даражадаги қўшин турларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш; ҳарбий қисм ва бўлинмаларни модернизация қилиш, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника, алоқа ва индивидуал ҳимоя воситалари билан қайта жиҳозлаш; офицер ва сержант кадрларни тайёрлайдиган, қайта тайёрлайдиган ва уларнинг малакасини оширадиган, профессионал ҳарбийларни шакллантиришни таъминлайдиган узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш; мудофаа қурилиши соҳасидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш каби йўналишлар асосий вазифалар сифатида қайд этилди.

Шуларга ҳамоҳанг тарзда диёримизда Ватан ҳимоячилари куни байрамини кенг нишонлаш қутлуғ анъанага айланган. Бу сана ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 октябрдаги "Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг йигирма йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Фармойиши асосида эртага нишонланадиган қутлуғ тантанага жуда катта ҳозирлик кўрилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ватан — ота-боболаримизнинг муборак хоклари ётган табаррук замин, бир умр севиб, ардоқлаб, кўзимизга тўтиё қилиб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиз, дунёда ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган буюк ва бебаҳо хазинамиздир. У борки, ор-номусимиз, қадр-қимматимиз юксак, ғурур ва ифтихоримиз, иймон-эътиқодимиз мустаҳкам ва барқарордир.

**Қодир ЖЎРАЕВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси.

# Осуда ҳаётимиз кафолати

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

Парламент қуйи палатасида миллий байрамимиз — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллиги муносабати билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ҳамда Ички ишлар вазирликлари ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари — Ватанимиз ҳимоясининг таянчи" мавзуида семинар ташкил этилди.

Тадбирда Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, шунингдек, мудофаа ва хавфсизлик тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишлари, бу соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти, уларни такомиллаштириш истиқболлари, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий асослари, мазкур соҳада давлат бошқарувини такомиллаштириш масалалари, Ўзбекистонда мудофаа ва хавфсизликни таъминлашда мамлакат Қуролли Кучларининг роли ва ўрни тўғрисида, шу билан бирга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятларини янада юксалтириш масалалари ҳақида атрофлича фикр алмашинилди.

Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ.Жўраев мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлади:

— Мудофаа ва хавфсизлик тузилмалари сафи миллий кадрлар билан тўлдирилди. Барча талабларга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армиямиз барпо этилди. Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматга чақириш бир йилда бир марта ташкил этилиб, уни ўташ муддати бир йил қилиб белгиланганлиги, сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик резерви хизмати жорий этилгани миллий армиямиз қиёфасини ва мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартирди.

"Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги ислоҳотлар — тинчлигимизнинг ишончли кафолати" мавзусида маъруза қилган парламент қуйи палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари А.Турсунов мамлакатимизда "ўзбек модели" деб ном олган мустақил тараққиёт йўлимиз асосида тинч, осуда ҳаётимизни асраб-авайлаш, иқтисодиётимизни ривожлантириш, халқимиз турмуш даражаси ҳамда фаровонлигини ошириш йўлида улкан натижаларга эришилганлиги, ана шу ютуқларимизда бугунги замон талаблари асосида шакллантирилган Қуролли Кучларимизнинг ҳам алоҳида ўрни борлигига урғу берди.

— Миллий армиямиз юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолатидир, — деди маърузачи. — Бу Бош Қомусимизда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Конституциямизда қайд этилишича, "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади". Мана шу мезон асосида вужудга келган профессионал армиямиз сафларида бугун Ватанга садоқатли, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ўғлонлар хизмат қилмоқда. Улар доимо халқимиз ардоғида, давлатимиз эътиборидадир.

Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси С.Турсуновнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимидаги ислоҳотлар ва уларнинг ҳуқуқий асослари" номли маърузаси ҳам семинар иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан тингланди.

Хусусан, маърузачи соҳани тартибга солишга қаратилган қонунлар, жумладан, "Мудофаа тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги, "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги ва "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги каби қатор Қонунлар қабул қилиниб, мустаҳкам миллий ҳуқуқий база яратилганлигини, профессионал армияни шакллантириш йўлида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли унда хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки нуфузли касблардан бирига, том маънодаги шон-шараф ишига айланганлигини, бугунги кунга келиб ҳарбий хизматни ўташ истагида бўлган ёшларнинг сони кундан-кунга ортиб бораётганлигини катта мамнуният билан таъкидлади.

— Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилишга қаратилган дастурга мувофиқ, бугунги давр талабларига тўла мос миллий армиямиз шакллантирилганлигини ифтихор билан тилга олмоқ жоиз, — деди С.Турсунов. — Халқаро терроризм, экстремизм, наркоагрессия, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши каби таҳдид ва хатарлар ҳисобга олиниб, бошқаришнинг сифат жиҳатдан мутлақо янги тизимига ўтилди, қисқа вақт ичида ҳарбий округлар, чегара ҳудудлари ва махсус операцияларга ихтисослаштирилган қисмлар тузилди. Миллий армиямизда асосий жанговар бўлинмаларнинг принципиал жиҳатдан мутлақо янги ташкилий-таркибий тузилмаси жорий этилди ва эскича ёндашувларга барҳам берилди. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ҳаракатчанлиги, тезкорлиги ва жанговар қобилиятини оширишга замин яратди.

Шунингдек, маърузачи Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб, мазкур Фармонга мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматга чақирувни йилига бир марта — февраль-март ойларида ташкил этиш йўлга қўйилганлиги, миллий армиямиз тайёргарлиги ҳар томонлама такомиллашганлигини таъкидлади.

Семинар баҳс-мунозараларга бой, очиқ руҳда ўтди. Сўзга чиққан Ички ишлар вазирлиги, Республика ҳарбий прокуратураси, Давлат божхона қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакиллари тизимда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида эл-юрт мудофаа ва хавфсизлигини таъминлай оладиган, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартибини таъминлайдиган, уни ҳар доим ишончли ҳимоя қилишга шай турган тузилмалар барпо этилганлигига, шунингдек, Конституциямиз талабларидан келиб чиққан ҳолда мудофаа ва хавфсизлик соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилишга қодир бўлган мамлакат Қуролли Кучлари тизимидаги барча тузилмаларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилганлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Айниқса, Ўзбекистон жангчи фахрийлар бирлашмаси қошидаги "Турон-патриот" нодавлат таълим муассасаси ҳарбий спорт гуруҳи тарбияланувчиларининг чиқишларида Ўзбекистонда Ватан ҳимоячиси бўлишни мақсад қилган ва бунга ҳар жиҳатдан муносиб тайёрланаётган, қатъиятли, юрагида ўти бор ватанпарвар ёшларнинг кўпаяётганлиги яққол намоён бўлди.

Шунингдек, тадбир сўнггида бир гуруҳ соҳа фидойиларига Президентимиз Фармони билан таъсис этилган "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил" кўкрак нишонлари ҳамда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ташаббуси билан худди шундай тадбир Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши ҳамкорлигида ҳам ташкил этилди. "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши мажлислар залида бўлиб ўтган "Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш — улкан масъулият ва шараф" мавзусидаги мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, кенгашнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда пойтахт туманлари кенгашлари раҳбарлари иштирок этишди.



**Фарҳод ЭСОНОВ,**
"Adolat" мухбири.



Ўзбекистон "Адолат" СДП: ташаббус ва тадбирлар

## "Ватан ҳимояси — энг олий бурч"

Мамлакатимиз бўйлаб Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг жойлардаги барча ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган бу каби тадбирлар Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган мард ва жасур ўғлонларимизни улуғлаш, улар матонатини ёш авлодга ибрат ва намуна сифатида кўрсатиш, фарзандларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилаётганлиги билан ҳам аҳамиятли бўлмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон "Адолат" СДП Урганч шаҳар кенгаши томонидан шаҳардаги Навбаҳор маҳалласида ташкил этилди. "Ватан ҳимояси — энг олий бурч" деб номланган мазкур тадбирда партия фаоллари, маҳалла фуқаролари, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган маърузалар тингланди.



— Муҳтарам Юртбошимиз мамлакатимиз мустақиллигини эълон қилган кундан бошлаб Ўзбекистон тинчликсевар давлат эканлигини эътироф этган эдилар, — деди маҳалла фаоли Илҳом Юсупов. — Эътиборлиси шундаки, давлатимизнинг асосий саъй-ҳаракати барча мамлакатлар билан икки ва кўп томонлама алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришга, ялпи тинчликка, ҳамма ерда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ўрнатилишига эришишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Шу билан бирга, Қуролли Кучларимизда ҳам салмоқли ислоҳотлар амалга оширилиб, мустаҳкам, Миллий Армиямиз вужудга келди.

Тадбирда бадиий жамоаларнинг чиқишлари, Ватанни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар йиғилганларга байрамона кайфият бахш этди.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Хоразм вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

## Аёл, оила ва жамият

**юрт тараққиётини белгилаб беради**

Юртбошимиз 2012 йилни мамлакатимизда "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиши андижонлик партия фаоллари томонидан ҳам мамнуният билан кутиб олинди. Шу муносабат билан партиянинг Андижон вилояти Кенгаши ва унинг ҳудудий ташкилотлари оила таянчи бўлмиш аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада юксалтиришга қаратилган қатор тадбирлар уюштириб келишмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилояти Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан ташкил этилди. "Аёл, оила ва жамият" деб номланган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва роли ошганлигини алоҳида таъкидлашди.

— Мустаҳкам оила йили, шубҳасиз, биз аёллар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди, — деди Шаҳрихон тумани партия кенгаши раиси М.Муйдинова. — Хусусан, хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасидаги ишларда янада масъулиятли, ташаббускор бўлмоғимиз даркор. Мен раҳбарлик қилаётган "Ҳунарманд аёл" уюшмасида ўтган йилда 30 та янги иш ўрни яратилган бўлса, жорий йилда бу рақамни янада кўпайтириш ниятидамиз.

Шунингдек, тадбирда партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда юксак маънавиятли, ахлоқли ва комил инсонни тарбиялаш, жамиятда аёлларнинг ўрнини янада юксалтириш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Андижон вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

Қишлоқ саноати

Ургут туманининг Почвон қишлоғида жойлашган "Сам-Нур-Тафвиз" қўшма корхонасида уй бекалари турли пишириқларни тайёрлаш учун қулай ва тезкор электр духовкалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бир қанча нозик пазандалик жараёнларини уддалаш имконини берадиган мазкур асбоб четдан импорт сифатида олиб келинаётган бундай электр товарларидан анча афзал, нархи ҳам арзон.

## Почвоннинг электр духовкалари

**ёки импорт ўрнини эгаллаган маҳсулот Ургут туманида саноат салоҳияти юксалаётганидан далолат**

Мамлакатимиз қишлоқ тадбиркорлари ўртасида илк бор янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган "Сам-Нур-Тафвиз" 10 мингдан ортиқ электр духовкаларини бозорга чиқаришга улгурди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, қишлоқ корхонаси 100 фоиз маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб электр жиҳозлари учун бутловчи қисмларни четдан эмас, республикамиздаги саноат корхоналаридан буюртма бериб олмоқда. Шу мақсадда яқинда пойтахтда ўтказилган саноат ярмаркаси ва кооперацион биржада "Сам-Нур-Тафвиз" салкам 1 миллиард сўмлик шериклик шартномасини имзолади.

Шугина эмас, Ургутдаги қўшма корхонада газ плиталари, электр иситиш асбобларининг кўплаб янги хиллари ва ғоятда бежирим гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётгани бу ерда саноат салоҳияти ортиб бораётганлигидан далолатдир. Бозор рақобатини ва истеъмол эҳтиёжини ҳисобга олиб сидқидил ишлаш туфайли ҳозир корхонада юзга яқин ёшлар юқори маош билан таъминланмоқда. Келгуси йилдан бошлаб бу ерда "Elita" моделига асосланган янги электр духовкаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва яна 60 нафар коллеж битирувчиси ишга жойлаштирилади.

**З.ТЎРАҚУЛОВ.**

## Камчиликлар қачон бартараф этилади?!

Ўз-ўзини танқид

Юртбошимизнинг Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"даги устувор йўналишлардан келиб чиқадиган вазифалар ижроси бизни янада фаолроқ, ташаббускор бўлишга ундабгина қолмай, фаолиятимизни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқишни талаб этади.

Ўз атрофига 6560 нафар аъзоларни бирлаштирган Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши ҳам ўтган 2011 йилда Концепция тарғиботи ва фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган кўплаб тадбирлар уюштирди. Шуning баробарида партиянинг вилоят Кенгаши маҳаллий депутатлик корпуси ҳамда БПТлар билан алоқасини мустаҳкамлаш, ижтимоий шериклар билан ҳамкорликни кучайтириш, партиямизнинг муқобил энергия манбаларидан оқилона фойдаланишни, иқтисодиётга инновацион лойиҳаларни жорий қилиш каби илғор ғояларини тарғиб этиш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида вилоят Кенгаши ташаббуси билан жойларда 200 дан ортиқ турли мавзуларда учрашув, давра суҳбатлари ва семинар-тренинглар ташкил этилди. Шунингдек, Қарши шаҳрида вилоят Кенгашининг 2 маротаба пленуми, 12 марта Ижроия қўмитанинг мажлислари ўтказилди.

Айни пайтда ўнлаб корхона, ташкилотларда 214 та бошланғич партия ташкилотлари самарали иш олиб бормоқда. Фаоллар асосий эътиборни партия Дастурида белгилаб қўйилганидек, аҳолининг кам даромадли қатламларини ижтимоий муҳофаза қилишга, ишсизликни камайтиришга қаратишмоқда. Бунинг эвазига фуқароларнинг партияга ишончи ортиб бормоқда. Бошланғич ташкилотларга партияга аъзо бўлиш истагида кўплаб аризалар тушмоқда.

Дарҳақиқат, вилоят партия Кенгаши фаолиятида ютуқлар кўп. Аммо айрим туман кенгашларида ҳали ўз ечимини топмаётган масалалар ҳам мавжуд. Айниқса, ҳар томонлама етук кадрларни топиб, жой-жойига қўйиш масаласи устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда...

Масалан, ўз сафларини кенгайтириш борасида Ғузор тумани кенгаши томонидан олиб борилаётган ишларни қониқарли деб бўлмайди. Энг ачинарлиси, ўтган йили Абдурашид Муҳиддинов етакчилик қилаётган туман партия кенгаши томонидан партия сафига бирорта ҳам аъзо қабул қилинмаган. Аъзолик бадалларини йиғиш масаласи ҳам ўлда-жўлда. Косон тумани кенгаши томонидан эса тадбирлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, раҳбар кадрлар захирасини яратишга етарли аҳамият берилмаяпти. Бунга партия фаолларида уюшқоқлик етишмаётгани сабаб бўлаётир. Хўш, бундай хато ва камчиликлар қачон бартараф этилади?

— Албатта, ҳар бир туманда партиявий-ташкилий ишларни намунали йўлга қўйиш кўп жиҳатдан жойлардаги партия кенгашлари раисларига боғлиқ, — дейди биз билан суҳбатда вилоят партия Кенгаши раиси биринчи ўринбосари Б.Муродов. — Улар аввало, ўзлари сиёсий етук бўлиб, партиямиз илгари сураётган ғояларни тўғри англаб етсаларгина зиммаларига юклатилган вазифаларни астойдил бажаришади. Шунинг учун туман ва шаҳар кенгашларимиз фаолиятини янада тўғри йўлга қўйиш мақсадида Мустаҳкам оила йилида аниқ режаларни ишлаб чиқдик. Ўйлаймизки, оқсоқлик кузатилаётган туман кенгашлари фаолиятидаги айрим хато ва камчиликлар ижобий ечимини топади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши фаоллари шу кеча-кундузда партия фаолиятини жонлантириш учун аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кенгайтириб, тадбирлар кўлами ва савиясини бойитишга хизмат қилувчи таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқишаётир. Бу эса аҳоли ичига янада чуқурроқ кириб боришга, ишнинг таъсирчан усулларидан кенгроқ фойдаланишга хизмат қилади, албатта.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Қашқадарё вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

# Ёш олимнинг изланишлари

**қуёш энергиясидан фойдаланишга қаратилган**

Муқобил энергия

Маълумки, дунё аҳолисининг мунтазам ўсиб бориши ва жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган модернизациялаш жараёнлари ўз навбатида энергия истеъмолини ошириб, атроф-муҳит муҳофазасига оид қатор муаммолар келтириб чиқараётгани нисбатан арзон, экологик тоза, муқобил, қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш заруриятини янада оширмоқда.

Республикамизда ҳам мавжуд табиий бойликларни асрабавайлаш, келажак авлодларга қолдириш, энергия тежовчи қурилмаларни такомиллаштириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга оид бир қанча самарали ишлар олиб борилмоқда. Бу борада қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш, энг аввало, энергияга бўлган талабни қондириб, табиий энергия манбалари — кўмир, нефть ва газ захираларини тежашга олиб келади. Шу билан бирга, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланишига, янги иш ўринлари яратилишига ва фуқароларнинг турмуш фаровонлиги ўсишига ёрдам беради, бу эса, республикамизда ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт соҳаларининг ривожига ўз ҳиссасини қўшади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам республикамизда энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга устувор вазифа сифатида қарайди. Бугунги кунда Парламент қуйи палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси депутатлари томонидан соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган қонун ижодкорлиги фаолияти эътиборга моликдир. Хусусан, партия фракцияси аъзолари томонидан "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунда тегишли вазирлик ва идоралар билан бу борада маслаҳатлашувлар олиб борилмоқда.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ер шарининг ярим юзасига бир йилда келиб тушадиган энергия миқдори $2.10^{17}$ Ж ташкил этади. Қуёшдан энергия атрофга нурланиш воситасида тарқалади. Қуёш энергиясининг зичлиги Ер орбитасида 1400 Вт/см$^2$, Ер сиртида эса атмосферада ютилиш ҳисобига камайиб 750-1100 Вт/см$^2$ ни ташкил қилади. Шунинг учун кўп энергия йиғишга катта майдонлар, энергия зичлигини ошириш учун эса энергияни кичик юзага тўплаш керак бўлади. Бунинг учун махсус қурилмалар — Қуёш нурларини мужассамловчи концентраторлардан фойдаланилади.

Ўзбекистон Фанлар Академияси "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Материалшунослик институтида барпо этилган Катта Қуёш Сандони дунёда энг йирик қуёш печи ҳисобланади. У автоматлаштирилган бошқариш тизимига эга мураккаб оптик комплекс бўлиб, гелиостат майдони, параболоид формасидаги концентратор ва технологик минорадан иборатдир. Объектнинг тоғолди ҳудудда жойлашганлиги ва ўзига хос архитектура-муҳандислик иншооти бўлганлиги учун унга қизиқиш тобора ортмоқда ва у "Ипак йўли" халқаро сайёҳлик йўналишига киритилган. Шу боис бу ерга сайёҳлар, чет эллик олимлар, давлат ва жамоат арбоблари ҳамда тадбиркорлар тез-тез ташриф буюрадилар. Институтда бир нечта халқаро илмий марказлар билан мунтазам алоқа ўрнатилган ва улар билан ҳамкорликда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Концентратор фокус масофаси 18 м бўлган параболоид бўлиб, фацеталарнинг сони 10700 та ва гелиостат майдонидан келаётган қуёш нурларини фокус зонасига 10000 баробар ошириб беради. Катта Қуёш Сандонининг фокус зонаси технологик минорада жойлашган ва унда 1 миллион Вт энергия 1,0 метр диаметрда тўпланади ва 800 Вт/м$^2$ тўғри қуёш радиацияси фокусида 700 Вт/см$^2$ зичликдаги энергия олиниши мумкин. Концентратор фокал зонасидаги энергия зичлигини ўлчаш махсус калориметр, радиометр, фотометр ва фотография усуллари билан олиб борилади. Технологик минорада махсус қурилма ва асбоблар ёрдамида юқори температураларда кечадиган физик-кимёвий жараёнлар амалга оширилади. Катта Қуёш Сандонининг фокус зонасида ўта қийин эрийдиган материалларни эритиш, синтез қилиш, ноёб материаллар олиш соҳаларида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Катта Қуёш Сандонида синтез қилинаётган материаллардан янги, техникада муҳим роль ўйнайдиган хоссаларнинг мавжуд бўлиши ва шу хоссаларга эга бўлган 100 дан ортик материалларнинг яратилиши республикамиз саноати учун зарур бўлган илмий-техник маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Шу билан бирга, қуёш энергиясини бошқа тур энергияга ўзгартириш бўйича, яъни лазер нури, водород, электр ва иссиқлик энергияси олиш каби бир қанча йўналишларда ҳам илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Айниқса, бу соҳада тадқиқот олиб бораётган ёш олимларнинг қўлга киритаётган ютуқлари диққатга сазовордир. "Физика-қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти катта илмий ходими, техника фанлари номзоди Жобир Аҳадов томонидан



мужассамлашган қуёш энергияси ёрдамида электр энергияси, иссиқлик энергияси ва водород ҳосил қилувчи қурилма ишлаб чиқилди ва илмий натижалар асосида ҳозирда 5 кВт қувватли автоном қуёш қурилмаси яратилмоқда. Ёш олим илмий изланишларини айнан шу Катта Қуёш Сандонида олиб бормоқда.

— Ушбу ишланмани Республика Фанлар академияси томонидан берилган Давлат илмий-техник дастурининг илмий гранти ва 2 та фундаментал илмий лойиҳалар гранти асосида яратдик, — дейди ёш илмий тадқиқотчи. — Яратилаётган автоном қурилманинг асосий афзаллиги шундан иборатки, бир қурилма орқали уч хил, яъни водород, иссиқлик (иссиқ сув буғи), электр энергияси ишлаб чиқарилади. У анъанавий қуёш қурилмаларидан фарқ қиладиган янги ишланма ҳисобланиб, маҳаллий хомашёдан тайёрланиши, республикамизнинг барча табиий иқлим шароитларида ишлаш имкониятига эгалиги, ишлаб чиқилаётган водород орқали қуёш энергиясини аккумуляция қилиш ва унинг ёрдамида қуёшли кунлардан ташқари булутли кунлар ҳамда тунги вақтларда ҳам энергия бера олиши билан афзалдир. Шунингдек, ушбу қурилма енгил, бошқа жойга кўчириш осонлиги ва бошқа турдаги энергия олувчи қурилмаларга нисбатан арзонлиги билан ажралиб туради. Ҳозирги кунда қурилмани инновацион лойиҳа сифатида такомиллаштириб автоном қуёш қурилмалари орқали хонадонлар, фермер хўжаликлари, кичик корхоналарни электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлашни мақсад қилганмиз.

Ёш олим ўзининг ушбу илмий иши билан 2010 йилда Республика "Камолот" ЁИҲ томонидан ўтказилган "Ватан равнақи йўлида бирлашайлик" шиори остидаги корхона, ташкилот ва муассаса ёшларининг II анжуманида қатнашиб, йилнинг энг яхши илмий янгилиги номинацияси ғолиби бўлди. Шу билан бирга у Фанлар Академияси ва Республика "Камолот" ЁИҲ томонидан ўтказилган конференцияларда илмий янгилиги учун фахрий ёрлиқ ва дипломлар билан тақдирланган.

Республикамизда бир йилда 270-300 қуёшли кун бўлишини ҳисобга олган ҳолда бундай автоном қуёш қурилмаларини оилаларга, фермер хўжаликларига, кичик ташкилотларга жорий этиш, қўллаш жуда самарали ҳисобланади. Шу сабабли ушбу қурилмани яратиш ишлари натижасига етгандан сўнг уни кенг миқёсда қўллаш режалаштирилган.

**Илёс САХАТОВ,**
"Adolat" мухбири.





# Шуманай шунқорлари

**Ислоҳот**

Шуманай — Қорақалпоғистон Республикасининг энг чекка, шимолий туманларидан бири. Табиати, иқлими ўзига хос. Ҳавоси мусаффо, деҳқонлари иш кўзини билгувчи инсонлар. Пахта, ғалла, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришда республикада ўз ўрнига эга...

— Ҳудудимиз истиқлол йиллари давомида йил сайин обод бўлиб, аҳоли турмуш тарзи ҳам фаровонлашди, — дейди туман ҳокими Караматдин Абдужалиев. — Текис, равон йўллар-у бири-биридан чиройли уй-жойлар, мактаб, коллеж, спорт иншоотлари ва савдо шохобчаларини кўрган сайин кўргингиз келади. Янги-янги саноат корхоналари, масъулияти чекланган жамиятлар, фирмалар...

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз берган ва бераётган ижобий силжишларнинг, ютуқларнинг таҳлили билан қизиқиб, айниқса, Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллиги нишонланган 2011 йил кўрсаткичларига эътибор қаратдик: саноат маҳсулотлари кўлами 139,7 фоиз, истеъмол моллари ишлаб чиқариш — 135,2, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш — 119,5, қурилиш ишлари — 153,2, савдода товар айланмаси мажбуриятлари — 105,6 фоиз бажарилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да кичик бизнес субъектлари сони 645 тага етди. Бу — ўтган йилга нисбатан уларнинг сони 58 тага ошди, дегани...

— Фаолиятимизда деҳқон ва ишчи-хизматчилар ишига камарбаста бўлишга интилаяпмиз, — давом этди суҳбатдошимиз. — Бандлик дастурига кўра 1600 дан зиёд янги иш ўринлари яратилиб, 86 та сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари вужудга келди. Саноат салоҳиятини ошириш Дастурига мувофиқ режалаштирилган 9 та лойиҳа Конституциямизнинг 19 йиллиги арафасида муваффақиятли амалга оширилди. Жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида 3 та, қурилиш материаллари тайёрлаш борасида 2 та, хизмат кўрсатиш шохобчалари тизимида 2 та лойиҳа амалиётга самарали татбиқ этилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича ҳам белгиланган 2 та лойиҳанинг ишга туширилиши ўз натижасини бермоқда.

Ҳар бир жамоада меҳнат қилаётганларга етарли шарт-шароит яратиш, уларни вақтида рағбатлантириб бориш ҳам ютуқларимиз омили бўлмоқда. Хусусан, ҳар бир чорак якунларига биноан илғорларни моддий-маънавий рағбатлантириб туришга алоҳида эътибор бераяпмиз. Айни кезда меҳнат фахрийларини ҳам имкон қадар қадрлаб, эъзозлаб турибмиз. Мақсадимиз — 2012 йил — «Мустаҳкам оила йили»да ҳар бир хонадонда тинчлик, тўкинлик ва фаровон турмуш тарзини қарор топтириш. Бунинг учун пахта, ғалла, сабзавот ва полиз майдонларидан мўл ҳосил етиштиришни ният қилганмиз...

Дарвоқе, туманда шу кунларда 2012 йил ҳосили учун пухта замин яратилмоқда. 19628 гектарлик қишлоқ хўжалик экинлари пайкалларида шудгорлаш ишлари ниҳоясига етиб, қишки яхоб бериш ишлари жадал кетмоқда. 4673 гектар кузги буғдой майдонларида етиштирилган майсалар оби-тобида озиқлантирилаяпти.

Туманда келгуси йил 6500 гектар майдонда пахта, 5675 гектар ерда ғалла, шунингдек, 5698 гектар пайкалларда сабзавот, полиз, картошка ва озуқа экинлари етиштириш режалаштирилган. 101 гектарлик боғ-роғлар ҳосилдорлигини ҳар қачонгидан ошириш кўзда тутилган.

Бу марраларни эгаллаш учун тумандаги «Агротехсервис МТП», «Шуманай МТП», «Қишлоқхўжаликкимё» каби ташкилотлардан тортиб, ўсимликларни муҳофаза этувчи биолабораториялар ва тижорат банклари филиаллари жамоаларигача жонкуярлик билан меҳнат қилишмоқда. Фермер хўжаликларига кредит ҳамда имтиёзли кредитлар миқдори 2012 йилда кескин ошадиган бўлаяпти.

Суҳбатимиз охирида туман ҳокими юқорида тилга олинган меҳнат жамоаларини ва ўнлаб фермер хўжаликларни алоҳида фахр билан таърифлаб деди: «Уларни биз «шуманай шунқорлари» деймиз. Шуларнинг ёрдамида 2011 йилни барча соҳада муваффақиятли якунладик. Насиб этса 2012 йилда ҳам шундай самара, шундай натижаларга албатта эришамиз. Баҳорда, ёзда, кузда яна бир келинг, уларнинг қандай ишлаётганини ва қандай мақсадлар билан тер тўкаётганликларини ўз кўзингиз билан кўрасиз, шунда чинакам шунқорлар эканлигига гувоҳ бўласиз. Шуманай шунқорлари» деб ёзинг уларни...

Мана, кўриб турибсиз, мақоламизга у кишининг даъвати билан шундай сарлавҳа қўйдик.

**Довур ЖОЗИЛОВ,**
**Ғулом ХИДИРОВ,**
«Adolat» мухбирлари.


**«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»**
**СИРДАРЁ ФИЛИАЛИ**
**14 январь —**
***Ватан ҳимоячилари куни***
**билан Юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган барча юртдошларимизни самимий қутлайди.**



*«Тўрткўл асали»*
*фермер хўжалиги*
*ватандошларимизни*
***14 январь —***
*Ватан ҳимоячилари*
*куни билан самимий табриклайди.*

*Ватан ҳимоячилари — ҳарбийларимизга давлатимиз хавфсизлигини, фуқароларимизнинг тинч-осуда ҳаётини таъминлашларида катта муваффақиятлар тилайди.*




**Партиядошимиз**

Ватанимизнинг неча минг йиллик тарихидан сўзловчи осори-атиқалар, достону афсоналар, ёзма манбаларда ота-боболаримиз хотин-қизларга оила фариштаси сифатида алоҳида эътибор қаратиб келганликларига гувоҳ бўламиз.

# Истиқлол берган имконият



Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг нафақат оилада, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар халқимизнинг ана шу бекиёс фазилатларига уйғун ва ҳамоҳангдир.

Бугун ўзбек аёлининг иқболи порлоқ, бахти тўкис. У нафақат оила бекаси, балки, олима, раҳбар, фермер ва тадбиркор ҳамдир. Бир сўз билан айтганда истиқлол шарофати билан ўзбек аёли мулкдор бўлди. Мустақиллик берган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ана шундай номга сазовор бўлганлардан бири жиззахлик Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг фаол аъзоси Лола Ибайдуллаевадир. У ёш бўлишига қарамасдан «Замона» кичик корхонасини бошқариб келмоқда.

Лола Жиззах шаҳридаги «Тошлоқ» маҳалласининг бир нечта чевар хотин-қизларини бириктириб, кичик корхонага асос солганида унинг муваффақиятларига кўпчилик ишонқирамаган эди. Бугунга келиб «Замона» кичик корхонаси элга танилди. Аста-секин кенгайиб, ҳозирда чеварлар томонидан турфа турдаги аёллар сумкалари, миллий ва замонавий либослар, қишки кийим-кечаклар тикилмоқда.

— Чеварликнинг сир-синоатларини онамдан ўргандим, — дейди Л.Ибайдуллаева. — Корхонани очишимда эса Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах шаҳар Кенгаши томонидан ўтказилган турли тарғибот-ташвиқот тадбирлари туртки бўлди. Мамлакатимизда яратилган чексиз имкониятлар, қолаверса, партиядошларимнинг йўл-йўриғи, амалий кўмаги менга қанот бўлди. Вилоятдаги бир қанча кўргазмаларда ўз ишларим билан иштирок этдим, бир нечта танловлар ғолиби ҳам бўлдим. Режаларим бисёр, янги 2012 йилда ишларимни янада кенгайтириб, янги ишчи ўринларини очмоқчиман.

Жиззах шаҳрида она заминига меҳрини бериб, меҳнат қилиб, кам бўлмаётган, рўзғорига барака ундираётган бундай инсонлар кўплаб топилади.

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
Жиззах вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

# Ватанга муҳаббат руҳидаги китоблар

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётир. Соҳада туб ўзгаришлар юз берди, офицерлар ва оддий аскарлар таркибини танлов асосида саралаш ва уларни тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилди, миллий армиямизда ҳарбий-ватанпарварлик руҳи янада мустаҳкамланди.

Ватанпарварлик ҳар қандай мамлакат ҳаётининг маънавий асоси, жамият ривожига хизмат қиладиган қудратли ҳаракатлантирувчи куч, шахснинг фаол фуқаролик позициясини, Ватанга фидокорона хизмат қилишга тайёрлигини белгиловчи муҳим мезондир.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга нашриёт-матбаа ижодий уйлари, жумладан, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳам улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Мамлакатимиз Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ва Ўзбекистон тарихи давлат музейи ҳамкорлигида уч тилда «Ўзбекистон ҳарбий санъати тарихи» номли иллюстрацияларга бой китоб нашрга тайёрланди. Тарих фанлари доктори Жаннат Исмоилова ва тарих фанлари номзоди Лариса Левтеева мазкур китоб муаллифларидир.

Кенг жамоатчиликка мўлжалланган китобда мамлакатимиз ҳарбий тарихига оид кўплаб қизиқарли маълумотлар жамланган.

**Ўз мухбиримиз.**

# Табрик

Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 20 йиллик кутлуғ санаси — Ватан ҳимоячилари куни арафасида Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг ҳарбий хизматчилари учун 27 хонадонга мўлжалланган барча шароитларга эга икки қаватли замонавий турар жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

## Ҳарбийлар байрамни янги уйларда нишонлайди

Президентимиз раҳнамолигида ҳарбий соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, пухта тайёргарликка эга, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир миллий армиямиз шаклланди.

Ватан ҳимоячилари юртимизда ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Улар ҳавас қилса арзигулик шарт-шароитларда яшаб, хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси ҳарбий соҳага қаратилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик самараси, Қуролли Кучларимизнинг босқичма-босқич такомиллаштирилаётгани натижасидир.

Соҳа вакилларини мустаҳкам ижтимоий ҳимоя қилиш тизими яратилиб, барча қулайликларга эга замонавий ва шинам уй-жойлар билан таъминлаш кенг йўлга қўйилгани ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Ўтган икки йилда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларида хизмат қилаётган олти юзга яқин ҳарбийлар оиласи барча шароитларга эга янги уй-жой билан таъминлангани бунга яққол мисол бўла олади.

Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг йигирма йиллик байрами арафасида ҳарбийлар учун барпо этилган янги уйларнинг фойдаланишга топширилаётгани ҳам мард, жасур Ватан ҳимоячилари ва уларнинг оилаларига кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

— Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган Мустаҳкам оила йилида барча шароитларга эга янги уйнинг калитини олганимиз ва Ватан ҳимоячилари кунини янги уйда нишонлаётганимиздан қувончимиз чексиз, — дейди кичик сержант Ўткиржон Умаровнинг турмуш ўртоғи Диломхон Умарова. — Хоналар кенг ва шинам. Ошхона ва бошқа қўшимча хоналар замонавий усулда жиҳозланган. Чегарачи оиласига бека бўлиш фахрли, айни пайтда бу зиммамга катта масъулият ҳам юклайди. Оилада икки фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқдамиз. Мактаб ва болалар боғчаси уйимизнинг шундоқ ёнида жойлашган. Бундай қулайликлар турмуш ўртоғимнинг хизмат бурчини оиладан кўнгли тўқ ҳолда, юксак даражада адо этишига имкон яратади. Кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимиздан чексиз миннатдормиз.

Шартнома асосида хизмат қилаётган II даражали старшина Рўзибой Набиев оиласининг уй тўйи ҳам яқинлари билан гавжум бўлди. У турмуш ўртоғи Файзинисо билан уч фарзандни тарбиялаб вояга етказмоқда.

— Шаҳарнинг марказида қад ростлаган шундай кўркам уйда яшаётганимиздан ғурурланаман, — дейди Р.Набиев. — Ҳарбийларга Президентимиз томонидан кўрсатилаётган бундай чексиз ғамхўрлик ёшларимизда соҳага катта қизиқиш уйғотаётир. Улар учун Ватан тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилиш нафақат Конституциявий бурч, балки юксак шон-шараф ишига айланмоқда.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
ЎзА мухбири.










# “Навоийавтотехxизмат” ОТАЖ жамоаси

мамлакатимизнинг барча фуқароларини, ҳарбийларимизни, сержант ва офицерларни Ўзбекистон Республикаси

## Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни

# 14 январь

билан самимий муборакбод этади.

Ушбу қутлуғ кун муносабати билан ҳаммага соғлиқ-саломатлик, хуш кайфият ва муваффақият тилайди.

03/Н

# «MAN» — автомобилсозликда сифат ва мукаммаллик белгиси





Маълумки, дунё бозорида автомобилларнинг рақобатбардошлиги ва харидорлиги аввало сервис хизмати нечоғли мукаммал йўлга қўйилганлиги билан ўлчанади. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, Германиянинг "MAN Truck & Bus AG" компанияси ўз маҳсулотларига жаҳоннинг исталган нуқталарида бирдек ишончли фойдаланиш учун кафолат берилиши билан ном қозона олган.

"Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва Германиянинг мазкур компанияси ўртасида тузилган шартномага кўра, 2009 йил охирида Самарқанд автомобиль заводи ҳудудида оғир юк ташувчи "MAN" автомобилларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Ўтган вақт мобайнида бир неча юзта шундай хилдаги автомобиллар минтақамиз шароитида бенуқсон хизмат кўрсата олишини исботлади. Табиийки, бу маҳаллий харидорлар ўртасида "MAN" автомобилларига қизиқишни кучайтирди. Шундан келиб чиққан ҳолда немис автомобилсоз-муҳандислари, конструкторлари билан ҳамкорликда янги универсал комплекс лойиҳанинг биринчи босқичини амалга оширишга киришилди. Яъни, Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани ҳудудида "MAN" автомобилларининг диллерлик ва сервис маркази қуриб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилда эса бу ерда "MAN"нинг йиғув цехини ишга тушириш мўлжалланган.

Юртимиздаги қулай сармоявий муҳит ва иқтисодиётнинг барқарор ривожи немис автомобилсозларини ўзаро манфаатли ҳамкорликка ундагани ва "JV MAN Auto Uzbekistan" қўшма корхонасининг тузилишига асос бўлганлиги алоҳида эътирофга лойиқдир. "MAN Truck & Bus AG" компаниясининг МДҲ давлатлари бўйича бош директори Ларс Химмернинг таъкидлашича, Ўзбекистон жуда тез суръатлар билан ривожланиб, айниқса, автомобилсозликда ҳавас қилса арзигулик натижаларга эришмоқда. Шунингдек, бу ерда хорижий компаниялар билан ҳар томонлама манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш учун барча шарт-шароит ва ҳуқуқий асослар яратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Самарқандда шу чоққача тайёрланаётган "ISUZU" автобуслари коммунал ва ободонлаштириш соҳаларида муваффақиятли ишлатилиб келинаётган эди. Энди улар қаторида "MAN" оғир юк ташувчи автомобилларининг пайдо бўлиши халқ хўжалигида, хусусан, йўлсозликда муҳим вазифаларни бажаришда бениҳоя асқотиши, шубҳасиздир.

Ва яна эътиборли жиҳати шундаки, Самарқанддаги саноат корхоналари маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб, автомобилсозлик эҳтиёжи учун зарур бутловчи қисмларни етказиб бермоқдалар. Буюртмаларни тайёрлаш жараёнида юқори сифат ва меъёрларга тўла амал қилинмоқда. Демак, автомобилсозликда мукаммалликни таъминлаш учун манфаатли ҳамкорлик давом этмоқда.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
"Adolat" мухбири.

Байрамга совға билан

# "Муқаддас бурч"

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг йигирма йиллиги арафасида пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли киносаройида ижодкорлар Шавкат Маҳбубов ва Ҳилол Насимов ҳамкорлигида саҳналаштирилган "Муқаддас бурч" бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди. Фильм телевидение орқали томошабинлар эътиборига ҳавола этилган ва кўпчиликка манзур бўлган "Сардор-1" ва "Сардор-2" фильмларининг мантиқий давомидир. Дарвоқе, қайд этиб ўтиш жоиз, "Муқаддас бурч" фильмининг тўрт қисмдан иборат телевизион варианти байрам кунлари "Ёшлар" телеканали орқали намойиш этилади.

Биз Ватанимиз қўриқчилари ҳаётига бағишланган "Муқаддас бурч" фильмини мириқиб томоша қилдик. Премьерага кўп сонли мухлислар, мутахассислар билан бир қаторда бевосита ҳарбийларнинг ҳам ташриф буюрганлиги бизни янада хушнуд этди. Зеро, фильм намойиши давомида миллий армиямиз вакиллари таъсирли, ҳаққоний саҳналарга нисбатан ўз ҳаяжонларини яширолмасдан бир неча бор қарсак чалиб юборишганининг ўзиёқ уларга картина ёққанлигидан шоҳидлик бериб турди.



Фильмда ҳарбийларимизнинг бугунги ҳаёти, шарафли ва машаққатли фаолияти ёрқин, ишонарли акс этган. Таниқли актёр М.Исмоилов ижро этган қаҳрамон ўзи етолмаган орзусига фарзандининг эришишини истайди, шу мақсадда ўғлининг зобит бўлиб етишиши учун унга ҳар томонлама кўмак беради. Отанинг эзгу истаги амалга ошади. Фарзанди миллий армиямизнинг иродали, кучли, ақлли, мард, ўз юртига содиқ зобити бўлиб етишади.

Истеъдодли актёрларимиз Б.Холмирзаев ҳамда С.Умаровлар эса Ўзбекистон қуролли кучларининг полковниги ва генерали образларини қиёмига етказиб ижро этишган. Уларнинг теран фикрлайдиган, етти ўлчаб бир кесадиган, мураккаб вазиятларда одилона қарор қабул қила оладиган қаҳрамонлари томошабинда миллий армиямизга нисбатан яна бир бор ҳурмат ва ҳавас ҳиссини уйғотади.

Капитан ролидаги У.Юнусов, оддий аскар ролидаги Д.Ҳафизов сингари ёш актёрлар ҳам фильмда бутун истеъдодларини тўла намойиш эта олганликлари, ҳарбийлар ҳаётини чуқур ўрганганликлари кўриниб-сезилиб турибди.

Т.Саидов, Б.Қосимов, А.Солиев сингари актёрлар ижро этган мураккаб, кўп қиррали образлар фильмдаги воқеалар кескинлашувига, ҳаётий зиддиятларнинг кучайишига сезиларли даражада таъсир кўрсатган. Айниқса, оддий аскар А.Камоловнинг сира иккиланмасдан ва қўрқмасдан қуролли жиноятчи билан якка-ма-якка олишишга киришиш саҳнаси ўз драматизми билан томошабинни ҳаяжонлантириб юборади.

Шунингдек, тажрибали актёрларимиз Ш.Исмоилова, Ҳ.Тошпўлатов, Т.Миралиев, Я.Файзуллаевлар ижросидаги эпизодик роллар ҳам ҳаётийлиги, жонлилиги билан узоқ вақт эсда қолади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист А.Абдуваҳобов ижросидаги оддий юк машинаси ҳайдовчиси эса халқимизнинг армияга бўлган меҳри ва ишончини кўрсатиб бера олган.

"Муқаддас бурч" фильми Ватанимиз Қуролли Кучларининг йигирма йиллигига киноижодкорлар томонидан тайёрланган муносиб совға бўлди.

*Суратларда:* ***фильмдан лавҳалар.***

**И.ЖУМАНОВ,**
Ўзбекистон давлат санъат институти доценти.



# Ёш авлод камолоти



Давоми. Боши 1-бетда

— Дунёда ёшлар онги ва қалбини забт этишга қаратилган уринишлар, мафкуравий хуружлар давом этаётган бир пайтда асарнинг таъсирчанлиги ва аҳамиятини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Қолаверса, мазкур китоб истиқлолимизнинг ёритилмаган қирраларини очиб бергани, ноёб манба ва маълумотларни ўзида мужассам этгани туфайли ҳам нафақат юртимизда, балки халқаро майдонда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда, — дейди маърузачи. Ёшлар ҳам ўз навбатида бу асарнинг яқин тарихимизни ўрганишда, Истиқлол арафасидаги мураккаб вазиятни англаш, ҳис этишда бениҳоя қимматли манба эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Ўқув семинар иштирокчиларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, шунингдек, Ўзбекистон Халқ шоири Иқбол Мирзо иштирокида қизиқарли учрашувлари бўлиб ўтди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров ва бошқа маърузачилар билан ўтказилган учрашув-тренингларда "Ўзбекистонда бошқарувнинг миллий хусусиятлари", "Ташкилотни бошқариш усуллари", "Бошқарув жамоасини шакллантириш", "Талаба-ёшлар маънавиятининг долзарб вазифалари" сингари мавзуларда қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Шунингдек, ўқув семинари иштирокчилари бўлиб ўтган кўпдан-кўп учрашув ва тадбирларда Мустаҳкам оила йилида оилани мустаҳкамлаш, ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзи ва юксак маънавиятни шакллантириш, баркамол фарзандларни вояга етказиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Ёш авлод камолоти ва истиқболи йўлида Юртбошимиз бошчилигида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида ўқувчи-ёшларга пухта ва мукаммал билим бериш баробарида уларнинг маънавиятини юксалтириш, онги ва қалбида она Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, умрбоқий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини камол топтириш устувор вазифа ҳисобланади, — деди ёшлар билан учрашув чоғида Ўзбекистон Халқ шоири Иқбол Мирзо. — Бугунги глобаллашув даврида ёшлар қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, уларни ўз мустақил фикрига эга, турли маънавий-мафкуравий тажовузларга қарши тура олишга қодир инсонлар этиб тарбиялаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Семинарда сўзга чиққан Самарқанд давлат университетининг Маънавият ва маърифат масалалари бўйича проректори Субҳон Аббосов бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказилиши ёшларнинг маънавий-мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга, уларни миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружлардан асрашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Беш кунлик семинар давомида талабалар пойтахтимиз ва унда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар. Кўркам Мустақиллик майдони, Ўзбекистон Давлат тарихи музейи, "Маърифат маркази" ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, айниқса, талабаларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида депутатлар, сиёсий партиялар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилди.

Тадбир доирасида мамлакатимизнинг таниқли олимлари, сиёсатчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, эл ардоғидаги санъаткорлар билан турли суҳбатлар, ижодий кечалар ҳам бўлиб ўтди. Ўқув семинар давомида "XXI аср талабаси қандай бўлиши керак?", "Нутқ маданияти ва нотиқлик", "Энг яхши маънавият тарғиботчиси", "Энг эпчил спортчи", "Энг яхши адолатли раҳбар", "Энг билимдон талаба" каби танловлар ҳам ташкил этилиб, унда самарқандлик талабалар ўзларининг салоҳиятларини намоён этишди.

Айтиш керакки, бу каби катта амалий аҳамиятга эга тадбирлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, улар онгини зарарли, ёт ғоялардан ҳимоялашга, иқтидорли ёшларнинг ўзларини намоён этишларига хизмат қилади.

**Нурбек АБДУХАЛИЛОВ.**

**ЭЪЛОН**

Тошкент шаҳри, Мирobод тумани ҳокимиятида 2011 йил 8 августда 005361 рақами остида қайд қилинган "НАКО INDUSTRY" масъулияти чекланган жамияти Низом жамғармаси 300 миллион сўмдан 61 миллион 290 минг сўмгача камайганини маълум қилади. (2012 йил 10 январдаги 3-сонли қарорга мувофиқ). Эътирозлар 30 кун давомида қабул қилинади.

# Янги солиқ ғояси

Гонконг маъмурияти ташландиқ нарсаларга солиқ жорий этишни режалаштирмоқда. Маълум бўлишича, солиқ миқдори фуқароларнинг ташлаётган супурунди, лаш-лушлар сонига қараб белгиланиши кутилмоқда. Ҳукуматнинг мазкур ғоясини атроф-муҳит ҳимоячилари мамнуният билан қўллаб-қувватлашаяпти.

Бу каби солиқ Япония, Корея, Янги Зеландия ва Тайванда жорий этилган.



Гонконг маъмурияти фикрича, бундай солиқнинг жорий этилиши йил сайин ортиб бораётган ташландиқ ахлатни йўқотишда анча қўл келади.

Маълумотларга кўра, Гонконгда ташландиқ лаш-лушларнинг бор-йўғи 52 фоизи қайта ишланади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти таъкидлашича, Гонконгда бир йилда киши бошига ўртача 921 килограмм ахлат тўғри келар экан. Таққосланадиган бўлса, бу кўрсаткич Японияда 410 килограмм, Жанубий Кореяда эса 380 килограммни ташкил қилади.

**Санжар ЭСОНОВ.**

Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилоят Кенгаши Жиззах вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари Ҳусниддин Шариповга падари бузруквори

**МАВЛОН** отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти Кенгаши партиянинг фахрий аъзоси

**Нўъмон НАСИМОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бош муҳаррир:** Худоёр МАМАТОВ
**Бош муҳаррир биринчи ўринбосари:** Абдували СОЙИБНАЗАРОВ *(Нашр учун масъул)*

**Бўлимлар:** Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — ***236-57-14***;
Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — ***236-54-39***;

**Телефонлар:** қабулхона — ***236-53-14***; ***233-40-86*** (факс); котибият — ***233-41-89.***

**Навбатчи муҳаррир** — Қаҳрамон ҚЎЛДОШЕВ.
**Навбатчи** — Ғулом ХИДИРОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

Таҳририят манзили: *100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*

adolat_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 100. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 9100.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 22.00
1 2 3 4 5